2

2016 ЙИЛ 28 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 232 (13.295)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ВА КЕНГАЙТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ҳудудларни рақобатдош ва экспортга йўналтирилган замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга янада фаол жалб қилиш, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилма ва логистика хизматларини жадал ривожлантиришни таъминлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтиришнинг энг муҳим омили сифатида эркин иқтисодий зоналарни изчил ривожлантириш борасида янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси, "Ангрен" ва "Жиззах" махсус индустриал зоналари номини бирхиллаштириш мақсадида уларни "Навоий", "Ангрен" ва "Жиззах" эркин иқтисодий зоналар деб аташ тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар "Навоий", "Ангрен" ва "Жиззах" эркин иқтисодий зоналари (кейинги ўринларда – эркин иқтисодий зоналар) фаолиятини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

хорижий инвесторларга мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторларига инвестиция киритиши учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида эркин иқтисодий зоналар учун ягона ҳуқуқий режимни белгилаш, солиқ ва божхона имтиёзлари, преференцияларни бирхиллаштириш;

маҳаллий минерал-хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлайдиган ва юқори қўшимча қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган юқори технологияли ва маҳаллийлаштириладиган замонавий корхоналарни ташкил қилиш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни, аввалambор, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, эркин иқтисодий зоналарнинг муайян соҳага ихтисослашувини қўллаб-қувватлаш ва уларда саноат кооперациясини ривожлантириш;

эркин иқтисодий зоналарда "ягона дарча" тамойили асосида барча турдаги давлат хизматларини кўрсатишга, жумладан, рухсат бериш тартиб-таомилларига босқичма-босқич ўтиш;

ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, шунингдек, сифатли логистика хизматлари кўрсатиш бўйича замонавий инфратузилмани шакллантириш;

олий, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида эркин иқтисодий зоналарнинг соҳа кадрларига бўлган ҳозирги ва истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларнинг эркин иқтисодий зоналарда жойлашган корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташини назарда тутган ҳолда, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни ташкил этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 сентябрдаги Р-4351-сонли Фармойишига мувофиқ ташкил этилган Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш комиссиясининг эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалда қўлланилаётган солиқ ва божхона режимларини бирхиллаштириш ҳамда ушбу зоналар иштирокчиларининг қуйидагилардан:

ер солиғи, даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларидан;

ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ускуналар, хомашё, материал ва бутловчи буюмлар, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган ва лойиҳаларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган қурилиш материаллари учун божхона тўловларидан озод этиш (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилансинки, мазкур бандда қайд этилган божхона имтиёзлари қўлланган ҳолда олиб келинган ускуналар, хомашё, материал ва бутловчи буюмлар сотилган ёки бегараз берилган ҳолларда, улар олиб келинган пайтдан бошлаб уч йил давомида божхона тўловлари қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ ҳажмда ундирилади.

4. Белгилаб қўйилсинки, Фармоннинг 3-бандида кўзда тутилган имтиёзлар киритилган инвестициялар ҳажмига қараб 3 йилдан 10 йил муддатгача, жумладан:

300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 3 йил муддатга;

3 миллион АҚШ долларидан 5 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 5 йил муддатга;

5 миллион АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 7 йил муддатга;

10 миллион ва ундан кўп АҚШ доллари ҳажмидаги инвестициялар сўнгги 5 йилда амалдаги ставкалардан 50 фоиз кам ҳажмдаги даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкалари қўлланган ҳолда – 10 йил муддатга берилади.

5. "Ангрен" ва "Жиззах" эркин иқтисодий зоналари иштирокчилари учун шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари:

эркин иқтисодий зоналар фаолияти давомида экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган хомашё, материал ва бутловчи буюмлар учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади;

эркин иқтисодий зоналар доирасида иштирокчилар ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ хорижий валютада ҳисоб-китоб қилиш ва тўлаш;

Ўзбекистон Республикасининг бошқа хўжалик юритувчи субъектлари – резидентлари томонидан етказиб берилган товарлар, ишлар (хизматлар) учун хорижий валютада тўлаш, шунингдек, экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ўзларига қулай бўлган тўлаш ҳамда ҳисоб-китоб қилиш шарт ва шаклларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

6. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси, "Ангрен" ва "Жиззах" махсус индустриал зоналарининг Маъмурий кенгашлари тугатилиб, уларнинг ўрнига эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгаши иловага мувофиқ ташкил этилсин.

Қуйидагилар эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва давлат томонидан тартибга солиш;

корхона ва ташкилотларга – эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари мақомини бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари бўлган хўжалик субъектларига эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириш учун истиқболли инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича комплекс хизматлар кўрсатиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, молиялаштириш манбаларини белгилаш, мустаҳкам кооперация алоқаларини йўлга қўйиш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспортга йўналтиришга кўмаклашиш;

эркин иқтисодий зоналарда лойиҳаларни амалга оширишга масъул вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмаларининг лойиҳа, тендер ҳамда шартнома ҳужжатларини ўз вақтида тайёрлаш ва уларни экспертизадан ўтказиш, шунингдек, жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг эркин иқтисодий зоналар фаолияти билан боғлиқ масалаларга оид ишларини мувофиқлаштириш;

эркин иқтисодий зоналарда объектлар қуриш ва уларни ўз вақтида фойдаланишга топширишга доир тасдиқланган инвестиция лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилишини тизимли асосда назорат қилиш;

эркин иқтисодий зоналарда транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш дастур ва лойиҳаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш;

эркин иқтисодий зоналарнинг самарали фаолият кўрсатишини ташкил этиш, эркин иқтисодий зоналар дирекцияларини шакллантириш ва улар фаолияти устидан назорат қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

7. Эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгашига:

эркин иқтисодий зоналар иштирокчиларига фаолият кўрсатмаётган корхоналар ва давлат тасарруфида бўлган мулкларни инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан "ноль" қийматда сотиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

эркин иқтисодий зоналарнинг хизматлар кўрсатиш ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, улар фойдаланаётган ва бошқарувидаги ерлар, бино ва иншоотларни ижарага беришдан тушадиган тушумлар ҳисобидан шакллантириладиган ўз бюджетларини ташкил қилиш;

ушбу бюджетлар доирасида эркин иқтисодий зоналар инфратузилмасини ривожлантириш ва фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган Эркин иқтисодий зоналар жамғармаларини ташкил этиш ҳуқуқлари берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, акциядорлик компаниялари ва уюшмалар билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгаши тўғрисидаги Низомни;

"Навоий", "Ангрен" ва "Жиззах" эркин иқтисодий зоналари фаолиятини янада такомиллаштириш ва кенгайтириш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация ва транспорт инфратузилмасини ва ушбу зоналарни ривожлантиришнинг бошқа масалаларига тааллуқли аниқ тадбирлар кўзда тутилган чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш учун тақдим этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқувчи ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти вазифасини бажарувчи
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 26 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг сайловлардаги иштирокига бағишланган республика семинари ўтказилди.

Сайлов – 2016

САЙЛОВ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР

Видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган тадбирда Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги ҳудудий тузилмалари, Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Фуқаролик жамияти шакллanишини мониторинг қилиш мустақил институти, "Олима аёл" уюшмаси, "Оила" илмий-амалий маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди масъул ходимлари, бошланғич хотин-қизлар ташкилотлари раислари, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳасини тубдан модернизация қилиш борасида амалга оширилган ислоҳотлар жараёнида фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш, сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаб келаётган, демократик талабларга мос сайлов тизими яратилгани таъкидланди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 80 дан ортиқ қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Асосий Қонунимизнинг 46-моддасида аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги белгилаб қўйилган.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси томонидан 2016 йил 7 октябрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури ижросини таъминлаш, жумладан, аҳолининг истиқлол йилларида яратилган миллий сайлов тизими тўғрисидаги билим ва кўникмаларини янада оширишга қаратилган кенг тушунтириш ишлари олиб борилаётганлиги қайд этилди.

Дастур доирасида хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва сайлов маданиятини юксалтиришга қаратилган ташвиқот ишлари ҳам изчил амалга оширилмоқда. Миллий қонунчилигимизда белгиланган хотин-қизларнинг сайлов ҳуқуқлари, уларнинг сайловдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган телекўрсатув, радиоэшиттириш ва мақолалар тайёрланмоқда.

Семинарда Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган тадбирларда хотин-қизлар қўмиталари, уларнинг бошланғич ташкилотлари ва фуқаролар йиғинларидаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларининг ўрни, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг аҳамияти, округ ва участка сайлов комиссияларининг асосий вазифалари, улар ишида хотин-қизларнинг иштироки, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг роли каби масалалар ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Н. УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Фармон ва ижро

ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Пойтахтимиздаги "Истиқлол" санъат саройида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида фаолият юритаётган тадбиркорлар билан очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат солиқ, божхона қўмиталари, Адлия, Ички ишлар вазирликлари масъул ходимлари, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев 2016 йил 5 октябрда имзолаган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон ижроси билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев, ички ишлар вазири А.Аҳмадбоев ва бошқалар мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилаётгани иқтисодиётимиз барқарорлиги ва халқимиз фаровонлигида муҳим ўрин тутаётганини таъкидлади. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамиятимизнинг, тараққиётимиз ва фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиши шарт, деган улуғ мақсади амалда рўёбга чиқди. Бу хайрли ишларнинг изчил давом этаётгани мамлакатимизнинг янада тараққий этишига хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 1-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссияси томонидан Нукус шаҳридаги сайлов участкалари раислари ва котиблари учун семинар ўтказилди. Семинар иштирокчилари сайлов участкаларида олиб борилаётган тайёргарлик ишлари, аҳоли, айниқса, биринчи марта овоз берадиган ёшлар ўртасида учрашувлар ташкил этиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини янада ошириш юзасидан фикр алмашишди.

● Фарғонада бўлиб ўтган ҳудудий мева-сабзавот ярмаркасида 80 дан зиёд агрофирма, фермер хўжалиги ва экспортчи корхоналар ўз маҳсулотларини намойиш этди. Ярмаркада маҳсулот етиштирувчи, қайта ишловчи, заҳира қилувчи ва экспортчи корхоналар ўртасида кўплаб шартномалар имзоланди.

● Наманган вилоятининг Чортоқ туманида шудгорлаш ишларини сифатли амалга оширишнинг муҳим жиҳатларига бағишланган вилоят кўргазмали семинари бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда 2017 йил ҳосили учун шудгорлаш ишларини тегишли равишда ташкил этиш ва ўтказиш комплекс чора-тадбирлари ижросини тўлақонли таъминлаш бўйича долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

● Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси ҳамда "Касаба уюшмалари – болаларга" акцияси доирасида Гулистонда ташкил этилган "Истиқлол ғунчалари" кўрик-танловининг минтақавий босқичида Тошкент шаҳри, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидан юзга яқин ўғил-қиз 4 йўналиш бўйича истеъдодини намойиш этди.

● Бухорода Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Республика техник ва амалий спорт турлари маркази томонидан ракета модели спорти бўйича мамлакат кубоги мусобақаси ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Яманнинг йирик шаҳарларидан бўлган Аданда вабо касалидан 9 киши ҳалок бўлди. Мутахассисларнинг фикрича, вабо ичимлик суви орқали тарқалаётган бўлиши керак, чунки бу ерда сув сифати жуда ёмон. Маълумотларга кўра, умумий ҳисобда Яманда вабо билан 200 га яқин касалланиш ҳолати қайд қилинган.

● Япониялик олимлар дунёда илк бор терлаш имкониятига эга бўлган роботни яратишди. "Kengoro" деб ном берилган робот жуда кучли ва чидамлилиги билан ажралиб туради. У танасидаги 108 электромотор ёрдамида ҳаракатланади. Ушбу моторлар ҳаракат чоғида қизийди. Роботни қизиб кетишдан сақлаш учун Токио университети олимлари махсус совутиш мосламасини ўйлаб топишди. Мослама одатий совутиш ускуналаридан фарқ қилади ва у "сунъий терлаш" жараёни асосида ишлайди.

● Германия ва Швейцария чегараларида миграцияга қарши назоратни кучайтириш бўйича режа ишлаб чиқилди. Чегараларда назоратни кучайтириш бўйича тузилган режага кўра, эндиликда чегарадан ўтаётган ҳар бир шахснинг келиб-кетиши назоратга олинади, ушбу хизмат ходимларининг сони бир неча марта оширилади. Шу йўл билан муҳожирларнинг тўхтовсиз келишини камайтириш кўзда тутилмоқда.

ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Фармонга кўра кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш учун янги имкониятлар яратилмоқда. Эндиликда тадбиркорлар фаолиятига аралашувлар тубдан қисқаради. Бу соҳада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик давлат органларининг биринчи даражали вазифаси сифатида белгиланди.

2017 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинади. Биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъекти етказилган зарарни ихтиёрий бартараф этса жавобгарликнинг барча турларидан озод қилинади. Бу имкониятдан тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказмасдан амалга ошираётган шахслар ҳам фойдаланиши мумкин. Демак, улар ўз фаолиятини қонунга мувофиқлаштириши зарур. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо қўллаш тақиқланган.

– Тадбиркорларга яратилаётган кенг имкониятлар бизни Ватанимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилишга ундайди, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент вилоятида фаолият юритаётган "Зиё барака текс" оилавий корхонаси раҳбари Меҳринисо Исломова. – Фармон ижроси доирасида ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бевосита кўмаги, қўллаб-қувватлаши билан фаолиятимизни кенгайтиряпмиз. Келгуси йилдан бошлаб ишлаб чиқараётган кийим-кечак, кўрпа-ёстиқ жилди ва бошқа маҳсулотларимизни хорижга экспорт қилишни мўлжалламоқдамиз.

Фармонга кўра мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш учун хорижий инвестициялар иштирокидаги янгидан ташкил этилган ишлаб чиқариш корхоналарига беш йил мобайнида улар рўйхатдан ўтказилган санада амалда бўлган солиқ ставкалари ва бошқа мажбурий тўловларни қўллаш ҳуқуқи берилади.



– Бу хориж инвестицияси асосида фаолият юритаётган корхоналарга берилган катта имкониятдир, – дейди пойтахтимизда фаолият юритаётган "Apiteks" масъулияти чекланган жамияти бош директори ўринбосари Адҳам Зиёев. – Бизнинг корхонамиз ҳам ана шундай корхоналар сирасидан бўлиб, импорт ўрнини босувчи, саноатбоп техник тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз. Юздан зиёд ишчи меҳнат қилаётган корхонамиз жамоаси яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб фаолиятини кенгайтирмоқда ва янги иш ўринлари яратишни мўлжаллаганмиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти ташкил этилиши муҳим янгилик экани қайд этилди. Фармон ижроси доирасида "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Бу каби чора-тадбирларнинг амалга оширилаётгани мамлакатимизда тадбиркорларга, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга эркин ва самарали иш юритиш, иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишда янги имкониятлар яратмоқда. Бу халқимиз фаровонлиги ошиши, мамлакатимиз тараққиёти янада юксак поғоналарга кўтарилишида муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев 2016 йил 21 октябрь куни имзолаган "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон мазмун-моҳияти ҳақида ҳам сўз юритилди.

Очиқ мулоқот шаклида ташкил этилган тадбирда видеоконференцалоқа тизими орқали пойтахтимизнинг барча туманларида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари вакиллари мулоқотга қўшилиш имконига эга бўлди. Тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутасаддилардан жавоб олди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Абдуллаев, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов сўзга чиқди.

Норгул АБДУРАИМОВА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда инсон ҳуқуқларини таъминлаш – устувор вазифа" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – УСТУВОР ВАЗИФА

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Семинарда 2014 йил 4 декабрда кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуни ижросини изчил таъминлаш, унинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш ҳамда ички ишлар органлари томонидан фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш сифатини ошириш борасида сўз юритилди.

– Қонун талабларидан келиб чиқиб, вазирлигимиз тизимида мурожаатлар билан ишлаш бўйича кенг қамровли ташкилий-амалий ишлар олиб борилди, – дейди Ички ишлар вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи Илҳом Турғунов. – Фуқароларнинг Ички ишлар вазирлигига ва соҳавий хизматларимизга мурожаат қилишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Аҳоли ўзлари дуч келган муаммо ва масалалар юзасидан вазирлигимизга хат, интерфаол усул ва "ишонч телефонлари" орқали мурожаат қилиши мумкин.

Жорий йилнинг февраль ойида вазирликнинг "2016-2017 йиллар давомида ички ишлар органларининг мурожаатлар билан ишлаш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси" қабул қилинди ҳамда Концепцияни амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Ушбу Концепциянинг мақсади – ички ишлар органларида мурожаатлар билан ишлаш соҳасида вазирликнинг 2016-2017 йилларга мўлжалланган стратегиясини белгилаш, мазкур соҳадаги ишларни такомиллаштириш ва янада яхшилаш бўйича зарурий шарт-шароитларни яратиш ва ташкилий-амалий ишларни бажарилишини таъминлашдан иборат.

Шунингдек, фуқаролар ва юридик шахсларга қулайликлар яратиш мақсадида вазирлик марказий аппаратининг бевосита мурожаатлар билан ишловчи асосий соҳавий хизматлари, яъни шахсий таркиб билан ишлаш хизмати, йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси, тергов бош бошқармаси, хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ҳамда ҳудудий ички ишлар органлари "Ягона интерактив давлат хизматлари портали"га тўлиқ уланди.

2016 йилнинг 9 ойи мобайнида Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали тўрт мингдан зиёд мурожаатлар келиб тушди. Бундан ташқари, Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти қабулига "электрон навбат"га ёзилиш хизмати жорий қилинган бўлиб, ўтган тўққиз ой мобайнида 185 нафар фуқаролар ушбу хизмат ёрдамида вазирлик раҳбарияти томонидан қабул қилинган.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳрининг барча туман ИИБларининг Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларида биометрик паспортни расмийлаштириш учун фуқароларнинг аризаларини электрон тарзда қабул қилиш ва навбатга қўйиш тизими жорий этилди.

Тадбирда Ички ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхона орқали келиб тушаётган мурожаатлар билан ишловчи "махсус бўлим" ташкил қилингани ва зарурий техник воситалар билан тўлиқ таъминланганлиги таъкидлаб ўтилди.

Абдуалим САЛИМОВ

АҲОЛИ БАНДЛИГИ ПАРЛАМЕНТ ЭЪТИБОРИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тақдим этган 2017 йилга мўлжалланган аҳоли бандлиги дастури лойиҳаси мутасадди вазирлик, идора ва муассасалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида кўриб чиқилди.

2017 йилга мўлжалланган бандлик дастури лойиҳасида 390 минг кишини доимий, 200 минг кишини қишлоқ хўжалиги ҳамда қурилишда мавсумий ва вақтинчалик иш билан, 309 минг кишини шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари, ҳунармандлик ва оилавий тадбиркорлик орқали иш билан таъминлаш назарда тутилгани, унда меҳнат бозоридаги талаб, жойлардаги ва соҳалардаги мавжуд имкониятларни чуқур таҳлил этиш орқали депутатларнинг назорат ишлари якунлари асосидаги таклифлари ҳам эътиборга олинганлиги қайд этилди.

Дастур лойиҳасида унинг параметрлари сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилган. Айниқса, бўш иш ўринлари ярмаркаларида меҳнат майдонлари ташкил этилиши, уларга "ягона дарча" хизмати мутахассисларининг жалб қилиниши аҳолини кафолатланган иш билан таъминлашга самарали ҳисса қўшади.

Тадбирда дастурда белгиланган иш ўринларини ташкил этиш механизмлари, дастур мониторингини юритиш масалалари муҳокама қилинди, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

ЎзА

САЛОҲИЯТЛИ КАДР – ДАВР ТАЛАБИ

Мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели"га ҳамда кучли ижтимоий сиёсат принципларига асосланган ҳолда ёшлар ҳуқуқ ва манфаатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қатор қонунларда мустаҳкамлаб қўйилди.

Шунингдек, жорий йилнинг 14 сентябрдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мустақиллик йилларида олиб борилган босқичма-босқич, тадрижий ислоҳотларнинг мантиқий ва қонуний давоми бўлиб, бу борадаги ишларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши "Истиқбол" ёшлар қаноти томонидан ташкил этилган "Салоҳиятли кадр давр – талаби" ҳамда "Депутат ва ёшлар" лойиҳалари доирасидаги "Ёшлар минбари" мавзуидаги семинарда шу ҳақда сўз юритилди.

Тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ф. Абдураҳимова ва бошқалар мамлакатимизда навқирон авлоднинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаши, истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун яратилган шароит юксак самаралар бераётганини таъкидлаб ўтишди.

— Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш масаласи устувор вазифа ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудири Нодира Гафурова. — Иқтидорли ёшлар бўлажак кадрлар сифатида шакллантирилиб, доимий янгиланиб келинмоқда. Шу мақсадда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши фаолияти билан амалий танишиш, кўрилаётган масалаларга ёшлар нигоҳи билан қараш, уларнинг касбий кўникмаларини ошириш мақсадида ташкил этилган "Ёшлар минбари" тадбирида партиянинг 50 дан ортиқ бўлажак ёш сиёсатчилари иштирок этди.

Тадбирда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги масъул ходимлари "Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияларида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш бўйича кўрилаётган масалалар ва уларнинг аҳамияти", "Тошкент шаҳар ҳокимлиги фаолиятида кадрларга қўйиладиган талаблар ҳамда уларнинг умумий вазифалари" мавзуларига бағишланган маърузалари билан ёшларга атрофлича маълумотлар берилди.

Ёшлар томонидан Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунлар ва уларнинг ижро механизмлари юзасидан бир қанча таклифлар илгари сурилди. Шунингдек, иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Тадбир сўнгида ёшлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги иш фаолияти билан таништириб ўтилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Олий ўқув юртларида

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Тошкент Архитектура-қурилиш институтида бўлиб ўтган маънавий-маърифий тадбирда ўзбек тилининг ҳаётимизда тутган ўрни, унинг миллий қадрият эканлиги ҳақида сўз борди.

Анжуманда сўзга чиққан Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университетининг катта илмий ходими Нодир Жўрақўзиев, ушбу университетнинг ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикаси кафедраси доценти Тозагул Матёқубова, Тошкент Архитектура-қурилиш институтининг ўқув ишлари бўйича проректори Абдулла Мирисаевлар юртимиздаги тил сиёсати, архитектура ва қурилиш соҳаларида тилнинг аҳамияти, замонавий дарсликларнинг она тилимизда чоп этилиши, иш ҳужжатларининг ўзбек тилида олиб борилиши миллий ғуруримиз эканлиги ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтишди, талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди.

Институтнинг бино иншоотлари қурилиши факультетининг биринчи курс рус гуруҳи талабалари томонидан тил ҳақида айтилган шеър ва қўшиқлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Нигора АЛИМОВА,
Тошкент Архитектура-қурилиш институти қурилиш технологиялари ва ташкилиёти кафедрасининг катта ўқитувчиси

Тошкент шаҳар ҳокимининг
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ТУМАНЛАРИДА КЎЧМА САВДО ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ЎРИНЛАР СОНИ, СОТИЛАДИГАН ТОВАРЛАР РЎЙХАТИ ВА КЎЧМА САВДО ДАВРИ КЎРСАТИЛГАН КЎЧМА САВДО ОБЪЕКТЛАРИ ЖОЙЛАШИШИ СХЕМАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 320-модда) 25-моддасига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 13 июлдаги "Кўчма савдога рухсат бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 28-сон, 339-модда) 233-сонли қарори ижросини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш, уларни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳри туманларида кўчма савдо объектларининг ўринлар сони, сотиладиган товарлар рўйхати ва кўчма савдо даври кўрсатилган кўчма савдо объектлари жойлашиши схемалари Бектемир тумани бўйича 1-иловага, Миробод тумани бўйича 2-иловага, Мирзо Улуғбек тумани бўйича 3-иловага, Олмазор тумани бўйича 4-иловага, Сергели тумани бўйича 5-иловага, Учтепа тумани бўйича 6-иловага, Чилонзор тумани бўйича 7-иловага, Шайхонтоҳур тумани бўйича 8-иловага, Юнусобод тумани бўйича 9-иловага, Яккасарой тумани бўйича 10-иловага, Яшнобод тумани бўйича 11-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари (Н.Хусанов), Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Компьютерлаштириш маркази ДУК (М.Асамов), туман ҳокимликлари:

уч кун муддатда мазкур қарор билан тасдиқланган Тошкент шаҳри туманларида кўчма савдо объектларининг ўринлар сони, сотиладиган товарлар рўйхати ва кўчма савдо даври кўрсатилган кўчма савдо объектлари жойлашиши схемалари туманлардаги "Ягона дарча" марказларида ҳамда туман ҳокимликларининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилишини таъминласин.

3. Туман ҳокимлари, Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси (М.Пардаев), Давлат санитария эпидемиология назорати маркази (Р.Умаров), Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси (С.Мухторхужаев), Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси (М.Тохиров):

Кўчма савдо объектининг тасдиқланган жойлашиш схемаси илова қилинган рухсатнома аризада кўрсатилган муддатга, бироқ олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари орқали берилиши;

Кўчма савдони амалга ошириш рухсатномасини олган тадбиркорлик субъектларини қонун ҳужжатларига, шу жумладан чакана савдо қоидаларига, санитария қоидаларига, нормаларга ва гигиеник нормативларга мажбурий риоя қилиш;

харидорлар билан нақд пулда ҳисоб-китоб қилишда фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш;

банк пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминали мавжудлиги;

кўчма савдо жойини ва атроф ҳудудни зарур тарздаги санитария ҳолатида сақлаш;

сотувчиларда кўчма савдо объекти рухсатномасининг ва унинг жойлашишининг тасдиқланган схемасининг ва сотиладиган товарларнинг келиб чиқиши, сифати ва хавфсизлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг асл нусхалари бўлиши, шунингдек улар назорат органларининг мансабдор шахслари талабларига кўра кўрсатилиши;

иш куни тамом бўлгандан кейин кўчма савдо объектларини қисмларга ажратиш ёки кўчириш ва кўчма савдо жойини зарур тарздаги санитария ҳолатига келтириш;

товарларни рухсатномага мувофиқ объектлар орқали ва кўчма савдо жойи бўйича сотилиши бўйича назорат ўрнатилсин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари (Н.Хусанов):

Туманлар ҳудудида жойлаштирилган кўчма савдо объектларида фаолият олиб бориш истагини билдирган тадбиркорлик субъектларининг мурожаатлари ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилаётганлиги доимий муҳокама қилиб борилсин.

5. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.tashkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан уч ой муддат ўтганидан кейин қонуний кучга киради.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Н.Хусанов зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими
Р.Усманов

2016 йил 26 октябрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Мулоҳаза учун мавзу

ОИЛА – ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

УНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҲАР БИРИМИЗ БЕВОСИТА МАСЪУЛМИЗ

Инсоннинг жамиятдан холи яшаши мумкин эмас. Жамиятнинг энг кичик бўғини эса – оила. Ўзбек халқининг оила борасида юксак маданияти, минг-минг йиллик мероси бор. Биз ана шу қадимий ва муқаддас миллий анъаналарга, шунингдек, умуминсоний қадриятларга амал қилиб яшаймиз. Мустақил давлатимизда бугунгача оила билан боғлиқ 50 га яқин қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 га яқин Фармон, Қарор ва Фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 70 дан ортиқ қарорлари қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-боби айнан "Оила" деб номланади. Унда тўртта модда мавжуд. Бу моддаларда ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятлар моҳияти акс этган.

63-моддада шундай битилган:

"Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади".

64-моддада эса ота-оналар зиммасига алоҳида вазифа берилади ҳамда етим болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни давлат ва жамият зиммасига юклайди:

"Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар..."

65-моддада фарзандларнинг асосий ҳуқуқлари белгиланган:

"Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади".

66-модда вояга етган ва меҳнатга лаёқатли фарзандлар зиммасига ота-оналар ҳақида ғамхўрлик қилиш мажбуриятини юклайди:

"Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар".

Бу моддаларда оила билан боғлиқ энг муҳим жиҳатлар қамраб олинган, албатта. Бироқ ана шу моддалар асосида бутун бошли "Оила кодекси" ҳам қабул қилинган. Унда оила билан боғлиқ барча ҳуқуқий жиҳатлар қамраб олинган.

Демак, қонунларимиз ҳар биримизни оила масаласига ўта жиддий муносабатда бўлишга ундайди.

Оила билан боғлиқ миллий ва умуминсоний қадриятлар эса биздан яна кўпдан-кўп тартиб-қоидаларга қатъий амал қилишни талаб этади.

Шу йилнинг 18 майида **"Тошкент шаҳрида оила муносабатларини мустаҳкамлаш ва никоҳдан ажратиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"** 454-сонли қўшма қарор қабул қилинди. Уни 9 та ташкилот имзолаган. 24 майда эса шу масала юзасидан **Тошкент шаҳар ҳокимининг 78-Ф-сонли фармойиши** чиқарилди. Шаҳримизда ва туманларда мазкур фармойиш ижросини таъминлаш бўйича ишчи гуруҳлари тузилиб, фаолият олиб боряпти. Яқинда **пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида шаҳар ҳокимлигининг юқоридаги қўшма қарор ва фармойиши ижроси таҳлилига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди.** 20 октябрда эса шаҳар ҳокимининг бу борадаги **"Тошкент шаҳрида оила муносабатларини мустаҳкамлаш ва никоҳдан ажратиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларни амалга ошириш, бунда тегишли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини янада кучайтириш тўғрисида"**ги 947-сонли яна бир қарорининг қабул қилиниши, ўйлаймизки, оила мустаҳкамлигига эришиш, мустақил фикрлайдиган, замон талабига жавоб берадиган авлодни тарбиялашдек муҳим вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, бу борада хотин-қизлар қўмиталари, фуқаролик суди, "Никоҳ уйлари", ФҲДЁ бўлимларининг жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиялари, давлат органлари, хусусан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жамоат ташкилотлари билан ўзаро узвий ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва уларнинг масъулиятини ошириш, дабдабали тўйларнинг олдини олиш, қўшма қарор ижросини таъминлаш масаласида албатта муҳим омил бўлади. Ушбу қарор халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида ҳам тасдиқланди.

Шу масала юзасидан, аҳрим билан боғлиқ қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, масалан, аҳримга сабабчи бўлганларга нисбатан катта жарималар белгилаш, уларга оиласи аъзолари, хусусан, вояга етмаган фарзандларини уй-жой билан таъминлаш, алимент тўлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича мулоҳазалар билдирилмоқда. Айтайлик, Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда бўлган келинларни тўйдан кейин бир ой ичида куёвнинг уйига рўйхатга олишни қатъий қоида қилиб қўйиш керак. Турмуш қуриб, шу пайтгача ўзи ва фарзандлари эрининг уйига пропискага қўйилмаган келинларни аниқлаб, бу масалани кечиктирмай ҳал этиш лозим. Оила кодексида никоҳга кираётган томонлар ўзаро никоҳ шартномаси тузиши мумкинлиги қайд этилган. **Бироқ энди никоҳ шартномасини мажбурий шарт қилиб қўйиш, уни қонунга киритиш даркор.**

Яна бир жиддий муаммо мавжуд. Бу – қизларни ёш турмушга бериш. Қонунларимизда қизларга 17 ёшга тўлганидан кейин турмушга чиқиш ҳуқуқи белгиланган. Бироқ ҳаётда бунга зид ҳолатлар ҳам юз беряпти. Бизда 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди. Бола 7 ёшга тўлганидан кейин мактабга боради. Қиз касб-ҳунар коллежи ёки академик лицейни битирганида 19 ёшга тўлган бўлади. Коллеж ёки лицейни тугатмасдан турмушга чиққан қизларнинг ўқиши муаммо бўляпти. **17 ёшда турмушга чиқса, 18 га тўлиб-тўлмай фарзанд кўрадими? Нима қилиш керак?** Масаланинг оқилона ечимини топиш лозим. **Токи бу муаммо қонун тарзида ҳал этилмас экан, бу борада ижобий ўзгариш бўлиши қийин кечаверади. Чунки оила масаласи бирдек изга тушиб кетаверадиган даргоҳ эмас.**

Коллеж ёки лицейни битирмасдан турмуш қурмаслик масаласи ўғил болаларга ҳам бирдай тегишли. Чунки қонунларимизда 18 ёшга тўлган йигитга уйланиш ҳуқуқи белгиланган. 18 ёшда у ҳали ўқиётган бўлади. Бироқ ҳаётда йигитларни ёш уйлантириш муаммоси қизларни ёш турмушга бериш даражасида кескин тарзда юзага чиққанича йўқ.

Оиласида бахтли бўлган инсонгина ўзини бахтли санаши мумкин, **деган қараш мавжуд.** Рост гап. Инсон оиладагина ҳақиқий маънода бахтли бўла олади. Чунки оила қурмай туриб тўкис бўлиш – амри маҳол. Хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, аввало, жуфтини бахтли қилиши, қолаверса, фарзандлари камоли учун ҳам масъуллигини, бир лаҳза бўлсин, унутмаслиги керак.

Мустақил Ўзбекистонимизда оилага муносабат масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Буни Конституция ва қонунларимиз ҳам яққол намоён этиб турибди. Бундан ташқари, 1997 йилдан бошлаб ҳар йилни муайян ном билан атаб, шу йўналишда Давлат дастури қабул қилиниб, унинг изчил ижроси таъминлаб келиняпти. Ана шу йилларнинг барчаси оила билан боғлиқ.

Инсон тарбия воситасида комилликка етишади. Тарбия эса – комплекс жараён. Бу жараёнда ҳам оила асосий ҳалқа ҳисобланади. Шундай оилалар борки, уларда улғайётган фарзандлар вояга етмаган ёшда бўла туриб ҳам, эгри йўлларга кириб қоляпти, улар орасида, ҳатто, оғир жиноятларга қўл урганлар ҳам бор. Мактабларда тарбияси мураккаб, ҳатто, бошқариб бўлмай қолаётган болалар пайдо бўляпти.

Бугина эмас. Умуман, жамиятимизда, хусусан, шаҳримизда оила билан боғлиқ муаммолар кўпайиб боряпти. Энг кўп аҳрим (ўттиз фоиздан ортиқ) **Тошкент шаҳрида қайд этилмоқда.**

Тўғри, маълумотларга қараганда, ўтган йилнинг дастлабки тўққиз ойида шаҳримизда жами 3 минг 586 та оила аҳрашган бўлса, бу йилнинг шу даври мобайнида 3 минг 442 та аҳрим қайд этилган. Бу 144 тага кам, албатта. Бироқ, шу муддат мобайнида ҳар куни ўртача 12 – 13 оиланинг барбод бўлаётгани ачинарли ҳол, **лекин қанча фарзандларнинг отасиз қолаётганлигини?**

Шаҳримизда жами 505 та маҳалла бор. Шу йил шундан 474 тасида аҳримлар юз берган. Фақат 31 та маҳалладагина бу йил аҳралиш бўлмади, холос. Ўтган йилнинг 9 ойига солиштирганда, бу кўрсаткич Юнусобод туманида 53, Олмазор туманида 25, Бектемир туманида 22 тага ошган.

Оилаларнинг аҳралиши кўплиги оилада тор маънода тарбия, кенг маънода маънавият масаласи бўшлигидан далолат беради.

Бугун бу масаланинг ечими юзасидан барчамиз жиддий ўйлашимиз лозим.

Мамлакатимиз тараққий этиб, иқтисодимиз ривожланиб, турмушимиз тобора фаровонлашиб боргани сари шаҳримизда аҳралишлар сони йилдан-йилга ортиб бораётганини нима билан изоҳлаш мумкин? Нима, бу тўқликка шўхликми? Ёки Ғарбнинг салбий таъсирими? Ёхуд оила муқаддас бўлмай қоляптими?

Диний ақидаларга кўра, аҳралиш у ёқда турсин, агар кимнингдир оғзидан аҳралиш ҳақида бир сўз чиқиб кетса, арши аъло титрар экан. Арши аъло – Ҳақ таолонинг рамзий макони. Ҳатто, ***никоҳ осмоний бўлади,*** **деган қараш ҳам бор.**

Ота-оналарнинг бола-чақа деб елиб-югуриб, оила фаровонлигини таъминлашга қаттиқ киришгани – яхши. Ҳаёт фаровонлигининг асосини иқтисодий тўкин-сочинлик ташкил этади, албатта. Фарзандлар учун яхши шарт-шароитлар яратиб берилишига ҳеч ким қарши эмас.

Бироқ айнан бахтли яшаб кетиш учун моддий жиҳатдан барча шарт-шароитлар муҳайё бўлган шундай оилаларда ҳам ёш келин-куёвлар ўртасида бир йил ўтар-ўтмай талай можаролар чиқиб, масала аҳралишгача бораётганига сабаб нима?

Ўғил-қизимиз оила қуришга тайёрми ўзи? Биз улар учун ҳамма нарсани ҳозирлаб беришга шаймиз. Бироқ уларнинг ўзини оилавий турмушга тайёрлашни эсдан чиқармаяпмизми? Ахир, энг асосийси шу эмасми?

Таҳлиллардан ҳам кўриниб турибдики, **баъзи оилаларда моддиятга етарлича, ҳатто, ҳаддан ташқари катта эътибор бериляпти-ю, маънавият масаласи оқсаяпти.** Бундай дейишимизга сабаб фарзанд учун иқтисодий жиҳатдан ҳамма нарса муҳайё қилинган-у, фарзандларнинг ўзини ҳаётга, оилавий турмушга, унинг машаққат ва масъулиятларига тайёрлаш ишига етарли эътибор берилмаётир.

Йигит – ўзича, қиз – ўзича осмон. Айримларнинг оғзида сигарет, икки қулоғига телефон "қулоқчин"лари тиқиб қўйилган. Кийимлар – башанг. Соч – "охирги" русумда олинган. Ҳаётнинг эса ўз тартиб-қоидалари, талаблари, шартлари бор. Аввал шунга тайёрланиш керак эди.

Қайнона-келин муносабатларидаги иллатларимиздан ҳамон тўла қутулганимизча йўқ. Албатта, ҳар бир муайян ҳодисага алоҳида ёндашиб, кейин хулоса чиқариш лозим. **Аммо умумий маънода айрим ёш оилалардаги кўп можароларга ҳам айнан қайнона-келин муносабатлари, аниқроғи, улар ўртасида майда-чуйда, яъни, аслида, шуларсиз ҳам яшаш мумкин бўлган гаплар сабаб бўлаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.**

Танганинг икки тарафи бор албатта. Қиз келин бўлиб тушганидан кейин икки оиладаги анъаналар бирикади, ўзаро уйғунлашади. Айтайлик, келин аввал уйида онасидан ўрганиб, пиширган юрган турли-туман таомларини тайёрлайди. Ўз-ўзидан, қайнонаси бу уйда одат бўлган овқатларни ҳам унга ўргатади. Модомики, бешикдан қабргача илм ўрганиш буюрилган экан, оила илми ҳам – умр бўйи ўрганиб, такомиллашиб борадиган жараён. Шу маънода қайнона келинга онасидан ҳам кўпроқ нарса ўргатиш имконига эга. **Амалда ҳам келин қайнонаси қўлида оила мактабини ўтайди, чинакам она бўлиб шаклланади.**

Оила масаласида Шарқнинг ўз қадим ва қатъий анъаналари бор. Баъзида билиб-билмай шуни бузяпмиз. **Афсуски, "Оммавий маданият" бугун оилаларга ҳам бемалол кириб боряпти. Ғарбга кўр-кўрона тақлид билан ўсган қизлар ўртасида келин бўлиб тушган оиланинг дидига ўтирмагани учун турмуши бузилаётганлар камми?**

Биз илм-фан, ишлаб чиқариш, техника ва технология, компьютер ва ахборотлаштириш, шунингдек, бошқа кўпдан-кўп соҳаларни янада пухта эгаллашимиз зарур. **Лекин буларнинг ҳеч бири ўз миллий маънавиятимизни бой бериш ҳисобига бўлмаслиги керак-да.**

Мустақиллик шарофати билан жамиятимизда динимиз ўз ўрни ва мавқеига эга бўла бошлади. Фуқаролар учун виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатланди. Бироқ, ҳаммамиз яхши биламизки, дин никоби остида юртимизга кўпдан-кўп ёт оқимлар ҳам кириб келди. Энг ёмони, ана шу ақидапарастлар таъсирига тушиб қолган фуқаролар, бутун бошли оилалар ҳам пайдо бўлди. **Бунинг салбий оқибатларидан жамият ҳали тўлалигича фориғ бўлгани йўқ.**

Ахир, келин бўлиб тушган қизингизни оиласидагилар ўранишга мажбурлаётган бўлса, бу қайси қонунга мос келади? Шу сабаб бўлиб аҳралиб кетаётганлар ҳам бор.

Айрим оилаларимизга гиёҳвандлик балоси қанчалар рахна солаётганини фақат ўша оилалардаги ота-оналаргина тўла ҳис этмай, балки энг ёмони, бу жамиятга салбий таъсир этади.

Оила – муқаддас гўша. Аммо унинг ана шу муқаддаслигини сақлаш, асраб-авайлаш, оилага доғ туширмаслик жуда мураккаб ва ўта масъулиятли вазифалар сирасига киради. Бу борада кўп муаммолар бор. Афсуски, бу муаммолар ечимини бевосита ҳар бир оила, унинг ҳар бир аъзоси, демак, муайян шахслар орқалигина топиш мумкин.

Ўзига тўқ оилаларда ўсган айрим ёшларимизда текинхўрлик, маишатпарастлик, худбинлик кайфияти шаклланяпти. Улар бу имконият, бу нозу неъмат айнан ниманинг эвазига топилгани, бунинг учун ота-она қанчалар елиб-югургани, тер тўккани, йилларини сарфлаганини тушуниб ҳам етмайди. Шунинг учун у: *"Менга ҳамма нарса мумкин",* – деган хато тасаввурларга эга бўлиб қолади. **Шаҳар эса бедарвоза эмас. Жамият ҳеч кимнинг ҳаддан ошишини хушламайди.** Оқибатда қарама-қаршилик келиб чиқади. Энг ёмони, бундайлар ана шу позицияси турмуш ўртоғига нисбатан ҳам қўллайди. Оқибатда оила иморати дарз кетади. Ўртада болалар тирик етим бўлади.

Ҳаёт – бардавом. **Одамга баҳо беришнинг мезонлари – жуда кўп. Лекин ҳар қандай шахсга, аввало, оиладаги ютуқларига қараб баҳо бериш энг асосий мезонлардан ҳисобланади.**

Келинг, мақсадга яқинроқ келайлик, Ҳаётимизда учраб турадиган баъзи муаммолар юзасидан мулоҳазаларни билдириб ўтайлик. Ўйлаймизки, гап эгасини топади.

Халқимизда: ***"Тахтини эмас, бахтини берсин",*** – деган жуда доно нақл бор. Шунга тўла амал қиляпмизми? Биз фарзандларимизнинг бахтини эмас, аввал тахтини ўйлаб қолмаяпмизмикин? Дабдабали тўйларимиз тахтини ўйлаш эмасми? Тўйларимизда янги-янги қилиқлар чиқаряпмиз. Жуфт-жуфт бўлиб "танца" тушишларни ким чиқаряпти? Бизга, миллий маънавиятимизга ярашадими шу? Тўйнинг ўзида, яъни ҳали оилавий турмуш бошланмасдан ўзимиз унга путур етказиб қўяяпмиз. *"Балиқ бошидан...",* деган мақолимиз ҳам бор. ***"Бола – ёшдан, хотин – бошдан",*** деган ҳикматимиз замирида нима ётибди? Оила масаласида тўйнинг ўзидаёқ хатоларга йўл қўяяпмиз. **Маслаҳат йўқ. Миллий анъаналарга амал қилиш номигагина. Янги-янги расм-русумларни тўйларимизга тиқиштираётганларнинг моддий манфаатдорлиги бор. Ҳар мақомга йўрғалайверамизми? Ким нима деса, унга эргашиб кетаверамизми?**

Ҳар 10 аҳралишдан 10 – 15 бола тирик етим бўлиб қоляпти. Хўш, ноқобил болалар қаердан чиқяпти? Ана шу тирик етимлар орасидан кўпроқ чиқяпти, албатта. **Ахир:** ***"Қуш уясида кўрганини қилади".*** **Носоғлом маънавий муносабатлар гирдобида, бунинг устига, иқтисодий мушкулотлар билан, меҳрга зор бўлиб ўсган боланинг тарбияси яна қандай бўлиши мумкин?**

Тўй зўр ўтади. Кейин-чи? Нарироққа бориб, аҳримга ариза берилади.

Оқибат-чи?

Ўртада фарзанд бўлса, оилада аҳралиш юз бериши билан жиддий муаммо юзага келади.

Турмуши бузилган аёлнинг ўзини, фарзандларини боқиш, болаларни тарбиялаш борасидаги муаммоларини айтмай қўя қолайлик. Ҳозирги замонда бир болани ҳар томонлама етук шахс қилиб вояга етказиш кимга осон? Шундай экан, болаларни отасиз оёққа қўйиш бу онага осон кечади, деб ўйлайсизми? Асло!

Қадимда оиласи ўхшамаган эркакнинг чопонини елкасига ташлаб, уй-жойини хотини ва бола-чақасига қолдириб кетгани ҳақида кўп эшитганмиз. Энди эса ажрашаётган эр уларни ҳатто уйидан ҳайдаб чиқаряпти. Қаёққа боради? Қаерга сиғади?

Отамисан, болани дунёга келтирдингми, эркак бўлиб қарашинг, боқишинг, ёрдам беришинг – шарт. Болалари тақдирини ўйлаган ҳар қандай ота шундай қилиши керак.

Бугунги кунда маҳалла оқсоқолининг 8 нафар маслаҳатчиси бор. Биттаси – яраштирув комиссияси. Кўни-қўшни, маҳалла қайси оилада "тинғир-тинғир" гап борлигини яхши билади. *"Оилага эси кетган аралашади",* деган мақолимиз ҳам бор. Бу асли турли мишмишлар тарқатувчи кимсаларга тегишли. Тўғри, *"Эру хотин уриши – дока рўмолнинг қуриши" дейишади.* Эртага бу эру хотин ярашиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетади, орада ножўя аралашган айтган гапларига пушаймонлар еб юради. Сабаби – аниқ. Оила – ўта нозик масала. Бу муқаддас маъво асоссиз аралашувни асло хуш кўрмайди.

Лекин маҳалла-кўй арзимаган баҳоналар билан ажралиб кетаётган оилага бефарқ қараб ўтираверіши керакми?

Бугунги кунда яраштириш комиссияси нима билан машғул? Фикримизча ушбу комиссия иши қониқарсиз аҳволда. Улар оилавий можароларни аввалambор судгача ҳал қилишлари керак. Ачинарлиси, ҳатто суддан келган аризалар ойлаб маҳалла "сандиғи"да кўрилмай ётади. Яраштирув комиссиялари аҳримларнинг олдини олиш учун бу жараёнга аввал ўша оиланинг қариндошларини жалб этишлари оилавий низоларнинг тезроқ барҳам топишига ижобий таъсир кўрсатади.

Айтайлик, келин-куёвнинг бобо-бувиси, амма-холаси, амаки-тоғаси... борми? Юқорида таъкидланганидек, шуларни ишга солиш керак. Токи яраштирув комиссияси аъзоларининг даъвати ва таклифи билан дастлаб келин-куёвнинг яқинлари кириб борсин бу хонадонга. Қўполроқ қилиб айтганда, от тепкисини от кўтаради-да. Ана шундагина иш силлиқ кўчиши мумкин. Амалдачи? Тўй куни сарполар кийган, катта тилак билдирган жигару қариндошлар бундай пайтларда панада. Менга нима дея, парвосига ҳам келтирмайди.

Кўпчиликнинг онгида бир хато тасаввур қаттиқ ўрнашиб қолган. Уйдаги қайнона – салбий қаҳрамон, кўп-кўп спектакль ёки телесериалларимизда асосан қайнонани айбдор қилиб кўрсатамиз. Бу ҳатто латифага айланиб кетган. Аслида, реал воқелик бундай эмасдир. Аввало, қайнона ҳам – она. Ҳеч бир она фарзандига ёмон бўлсин демайди.

Аммо...

"Хотининг: "Гаҳ!" – десанг, кафтингга қўнадиган бўлсин", "Керак бўлса, ўғлимга онаси ўпмаганини олиб бераман", "Дарахтни бир тепсанг, "дув" этиб, қиз тўкилади", "Уйда фақат менинг айтганим бўлади" – дейдиган қайноналар кам эмас. **Худди шунингдек:** ***"Сени уларга чўри қилиб берганманми?", "Қорнимга сиққан қизим уйимга ҳам сиғади", "Менинг қизим бунақа қийинчиликларга кўниккан эмас", "Менинг қизим уйида бунақа овқатлар емаган"*** **– дейдиган оналар ҳам бор-ку! Беш қўл баробар эмас.** Ҳеч қачон баробар бўлмайди ҳам. Буни ҳаёт деб қўйибди. Ҳаёт эса – мураккаб ва жуда ўзгарувчан. У доим бир хил бўлавермайди.

Шу гаплари билан она қизини ажратиб олади-да, учтўрт, ҳатто кўп йиллар ўтиб, уйига ҳам сиғмай қолади. Чунки ўша уйда ўғил уйлантириш керак, келин келиши керак. Янги оилага уй-жой керак. Ана ундан кейин бошланади ҳақ талаб қилишлар.

Яна бир жиҳат. Тақдир – Яратганнинг иродасидаги масала. Кимнингдир ёш пайтида эри вафот этади. Ота-онаси ўйламай-нетмай мудҳиш хатога йўл қўйиб, қизини болаларига қўшиб, уйига қайтариб олиб кетади. Йиллар ўтиб, уй торлик қилиб қолади. Беванинг маслаҳатчиси кўп деганларидек, ана энди шунча маҳал ўтганидан кейин кетиб қолган келин уй-жой ажратиб беришни талаб қила бошлайди. Буни: *"Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда – ҳозир",* деган мақолимиздаги ҳолатга ўхшатиш ҳам мумкин. Ахир болаларинг бор экан, бошқа турмуш қилиш ниятинг йўқ, нима қиласан иссиқ жойингни совутиб? Яшайвермайсанми шу ерда қайнота-қайнонангнинг хизматини қилиб, дуосини олиб? Ўшандагина бу муаммо осон ечим топган бўлур эди.

Турмушга чиққунига қадар уйида кўнгилдагидек тарбия олмай турмуш қураётган қизларимиз кам, **деб ўйлайсизми?**

"Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр", деган ажойиб мақолимиз бор. Тўғри, бу ерда, аввалambор, моддий маънодаги сеп кўзда тутилгандек. Лекин *"сеп"*ни кўчма маънода, яъни тимсолий қилиб тушуниш ҳам мумкин. **Келин ёйган *"сеп"*и – амалда тўйдан кейин янги оилада ўзини қандай тутиши дегани.** У уйида яхши тарбия кўрган бўлса, обрўйига обрў қўшилади. Тарбия кўрмаган бўлса-чи? **Унда моддий маънода олиб келган сепи маънавий маънода "сеп"лик қила олмай қолади.** Келиннинг ота-онасининг уйидан келтирган мол-мулки эмас, ўзи – бойлик.

Яна бир нозик мулоҳаза. Аёл маҳаллага арзимас нарсалардан эридан шикоят қилиб чиқса, эркакнинг ғурури топталади. Бир қўшиқда: *"Эркак йиғламасин",* деган маъно бор. **Айрим оилаларнинг бекордан-бекорга аҳралиб кетишига айнан баъзи аёлларнинг енгил-елпи иш тутиши сабаб бўляпти ҳам.**

Судга ариза берилдими, энди иш баттар чигаллашади. Чунки айрим адвокатларнинг кетмони учади. Ё заринг, ё зўринг бўлсин деганларидек, мўмай пул эвазига хоҳлаган тарзда ариза ҳам ёзиб берилади, ёрдам қилинади. Бу нозик масала нотўғри ҳал этилаётган ҳолатлар ҳам афсуски, учраб турибди.

Хуллас, мухтасар қилиб айтганда, қайси оилани сақлаб қолмоқчи бўлсак, судгача унга ёрдам беришимиз, ишни суд жараёнигача олиб бормаслигимиз керак.

"Оммавий маданият" оилаларимизга бесўроқ, беилтифот кириб келади. Айрим қизларимиз коллеж ёки лицейда, бакалавриат ёки магистратурада ўқиб юрган кезлари ҳеч кимдан уялмай-нетмай турли ножўя **СМС ёзишадиган, интернет орқали мулоқот қилиб турадиган бўлиб кетишди. Ҳеч ким уларни бу йўлдан қайтармайди. Баъзиларнинг онг-тасаввурида бунинг хато экани ҳақида фикрнинг ўзи ҳам йўқ.** Шу орада қиз унаштирилади, тез фурсатларда тўй ҳам бўлиб ўтади. Ўрганган кўнгил-ку. Яна ўша эски "иш"ини бемалол давом эттираверади. Ёки беҳаё клиплар, видеолавҳалар томоша қилиб ўтираётган келинлар йўқми? Айримлари буни майда-чуйдага йўйишади. Бизнинг миллатда бу қайси маънавиятга тўғри келади? Шу сабаблар боис, айнан шундай воқеа-ҳодисалар билан аҳрашиб кетаётганлар қанча!

Судларда аҳримларни кўриш масаласини ҳам тубдан ислоҳ қилиш керакка ўхшайди. Суд бутун бошли оила тақдирини ҳал қилиб беради. Оила бир ташкилот эмаски, иш тезда ечимини топса. Оилани бузиш осон, лекин уни кўнгилдагидек тузиш – мушкул. **Судларнинг маҳалла билан алоқасини янада мустаҳкамлаш керак.**

Яна бир гап. Жамиятда "шаръий никоҳ" деган масала ҳам бор. Биз дунёвий давлатда яшаймиз. **Мусулмонлар исломий қонун-қоидалар бўйича келин-куёвга никоҳ ўқиттириши мумкин. Лекин никоҳни давлат идорасининг расмий никоҳидан ўтганлар учунгина ўқиш ҳуқуқи жорий этилган.** Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг махсус фатвоси бор. ФҲДЁ тарафидан расмий никоҳдан ўтгани ҳақида гувоҳномаси ёки шундай никоҳ тузилаётгани тўғрисида маълумотномаси бўлмаганларга никоҳ ўқиб қўйишга бирон-бир масжид имом-хатибининг ҳаққи йўқ.

Шунга қарамай, хуфёна йўллар билан никоҳ ўқитиб, яшаб юрганлар бор. **Энг ёмони, аҳримлар ҳали биринчи оиласидан расман аҳралмай туриб, шаръий никоҳ асосида қайта уйланиб оляпти.**

Ҳаётда биринчи даражали ахборотлар бор, иккинчи даражали ахборотлар ҳам бор. Аваллари келин муайян муддатлардагина ота-онасиникига борган. Албатта, қизининг уйидаги гаплар ҳам ота-она томонга камроқ етиб борган. Ҳозир эса коммуникация юксак тараққий этиб боряпти. Келинлар деярли ҳар куни онаси билан гаплашиши, ҳасратлашиши мумкин. *Нималар айтилмайди,* дейсиз. Ўзаро гапларда ҳатто холодильникда гўшт камлиги ҳам қолмайди-да. Ана энди онаси шуни қудасига айтса, нима бўлади? Бундай масалаларда келин ниҳоят даражада зукко бўлиши, уйининг сирини "кўча"га олиб чиқмаслиги лозим. Гап кўпаяди, можаро бошланади.

Ҳали аҳрим ҳақида судга мурожаат қилмаган, лекин амалда бирга яшамаётган қанчадан-қанча оилалар ҳам бордир. Шуларни яраштирайлик. Масала судгача бормасин. Судга ариза берилдими, *оила косаси дарз кетди,* деяверинг. Модомики, томонлардан бири судгача бордими, энди иккинчи тарафнинг дили қизиши қийин кечади. Бу ҳам ҳақиқат. Аммо инсоф, диёнат дегани ҳам бор-ку.

Хўш, нималар аҳримларга сабаб бўляпти?

Биттаси – кўпхотинлилик. Куёвнинг бошқа оиласи бор. Лекин турли сабаблар орқасидан аҳралиб кетаётган оилалар йўқми? Айрим аёллар: *"Эрим юриб кетди",* – деб бемалол айтаверади, бу ҳақда ҳаммаёққа жар солади, бонг уради. Бироқ камдан-кам эркак аёлининг "сири"ни ошкор қилади.

Бу мулоҳазаларимиз шунчаки *гаплар эмас. Ҳаммамиз дўппини олиб қўйиб, бу ўта муҳим масала устида бош қотирайлик. Зора шаҳримизда аҳралишлар сони кескин камайса. Ниятимиз қушнинг ҳам уйи бузилмаса. Болалар тирик етим бўлмаса. Ахир, ҳаёт ҳар кимга ҳам фақат бир мартагина берилади. Инсон бахтли яшаши керак ва бунга ҳақли.*

Ҳар қандай оила, аввало, маҳаллада истиқомат қилади. Маҳалла бизда қадим-қадимдан тарбия мактаби бўлиб келган. Маҳалла фуқаролар йиғини раисининг бир ўринбосари айнан диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масаласига масъул. Шундай экан, маҳаллаларимиз оилалар билан ишлашни тамоман янги, замон ўртага қўяётган мураккабликлардан келиб чиққан ҳолда изга қўйиши лозим.

Кўпинча аҳралишлар кўпаяётгани ҳақида гап кетгудек бўлса, ўйламай-нетмай, *хотин-қизлар қўмитаси яхши ишламаяпти,* деймиз. Эҳтимол, бу гапда ҳам жон бордир. Лекин, оила фақат аёлларга боғлиқ эмас-ку. Хўш, эркаклар нима иш қиляпти унда? Оилада эркакнинг роли йўқми? Оила бошлиғи ким ўзи? Қачондан буён ўғил ёки қизнинг аҳралиш-аҳралмаслиги, асосан, аёллар ҳал қиладиган масала бўлиб қолди?

Бир қошиқ кислота қаттиқ метални ҳам эритади. Бир ҳовуч тупроқ бир челак сувни лойқалатади. Бир оиланинг аҳралиши, айниқса, болаларнинг етим қолиши жамиятга қимматга тушади.

Ёшлар – келажагимиз. Лекин уларнинг айнан қандай вояга етиши, аввало, оилага, унинг ҳар бир аъзосига боғлиқ. Жамиятимизнинг эртага қандай бўлишини бугун оилаларимизнинг қандай экани белгилайди. Мамлакатимизда оилалар – ўртача тўрт, беш кишидан иборат. Демак, бизда етти ярим миллионга яқин оила бор.

Оила мустаҳкамлиги – жамият мустаҳкамлиги. Оила тинчлиги – жамият тинчлиги. Оила фаровонлиги – жамият фаровонлиги. Оила аҳиллиги – жамият аҳиллиги. Оила бахти – жамият бахти.

Буни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Шундай эмасми, азизлар?

Олим МАҲМУДОВ

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 31

Ўзбекистон

05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "Сайлов–демократия кўзгуси".
07.40 "Парламент ҳаёти".
08.00 "Таҳлилнома".
08.40 Миллий сериал: "Орзулар фасли".
09.15 "Соғлом она ва бола йили". "Нурли ришталар".
09.35 "Мўъжизалар макони".
10.05 Анонс.
10.15 "Ватанпарвар".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Қишлоқ ҳаёти".
11.30 "Менинг боғим".
11.50 Анонс.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
13.45 "Агроолам".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Зиё" студияси: "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида".
14.45 "Бизнес-старт".
15.10 "Буюк ва шонли йўл". Навоий.
15.50 Анонс.
16.00 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
17.00 "Ахборот".
17.10 Миллий сериал: "Орзулар фасли".
17.45 "Суҳбатдош".
18.05 Анонс.
18.20 "Имконият".
18.40 "Монк". Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.00 "Сайлов-2016".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Муносабат". Ток-шоу.
22.25 – 00.00 "Фред қаерда?" Б/ф.
00.00 "Буюк ва шонли йўл".
00.40 "Менинг боғим".
01.00 "Ахборот" /рус/.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
02.30 "Осмон яқин". Б/ф.
04.00 "Ахборот".
04.40 Миллий сериал: "Ҳаёт вальси".
05.10 – 05.55 "Ватанпарвар".

Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Муҳаббатим-қисматим". Т/с.
07.40 "Қизлар мактаби".
08.00 "Индаба". Т/с.
09.30 "Қорақалпоқ ёшлари".
09.50 "UzEX".
10.00 "Камолот-инфо".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Зарёмғир".
12.00 "Дилозорим". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.00 "Ўргимчак тўри". Б/ф.
15.50 "UzEX".
16.00 "Давр".
16.10 "Сеҳрли узук". Т/с.
17.10 "Соғлом ҳаёт".
17.30 "Динозаврлар сайёраси". Ҳ/с.
18.00 "Шамолларда қолган ҳисларим". Т/с.
18.50 "Телетуҳфа".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.20 "Нуқтаи назар".
21.00 "Дилозорим". Т/с.
21.50 "Телетуҳфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Сайлов-2016".
23.30 "Ўрмон қироли". Т/с.
00.10 "Шарқ гавҳари".
01.30 "Афсона ва ҳақиқат".
04.10 "Мўъжизавий дунё".
05.30 – 06.00 "Давр".

Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
06.00, 07.00, 08.00, 09.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 02.00. "Poytaxt".
06.15 Миллий сериал: "Ҳаёт пиллапоялари".
06.45 "Poytaxt-avto".
06.55 "Тошкент вақти".
09.10 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с.
09.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Интиқом". Т/с.
11.15 "Тошкентнома".
11.35 "Эртамиз эгалари".
12.15 Миллий сериал: "Ҳаёт пиллапоялари".
12.45 "Пойтахт-культура".
13.15 "Телетаҳлил".
13.45 "Мобиль камера".
14.10 "Тошкент вақти".
16.10 "Муҳаббат қиссалари: Сенсиз". Т/с.
16.50 "Poytaxt-sport".
17.15 "Мўъжизакор истеъдод". Х/ф.
17.45 "Ҳимоя".
18.20 "Пойтахт-авто".
18.30 "Сифат назорати".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Муҳаббат қиссалари: Сенсиз". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Кўзгудаги биз".
21.30 "Пойтахт-авто".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Легенда Баггера Ванса". Х/ф.
00.10 "Пойтахт-культура".
00.25 "Кўзгудаги биз".
01.00 "Poytaxt-avto".
01.15 "Мўъжизакор истеъдод". Х/ф.
01.45 "Ҳимоя".
02.15 "Обод хонадон".
02.35 "Рангли телевизор".
03.20 "Мен сизга айтсам".
03.55 – 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт

06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Қорақалпоқ спорти".
06.30 "Бизнинг спорт".
07.00 "Sport-online".
08.00 Талқин.
08.35 Футбол. Осиё чемпионати U-19.
10.25 Волейбол. Клублар. Жаҳон чемпионати.
11.55 Рақамлар, натижалар рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
13.05 Баскетбол.
14.00 Хабарлар (ўзб).
14.20 Дзюдо. Катта дубулға турнири.
15.35 "Ўзбек спортининг зафарли одимлари".
16.05 "Спорт сабоқлари".
16.30 Теннис. ATP-WTA турнири.
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Болалар спорти".
18.30 Хабарлар (рус).
18.50 "Техноспорт".
19.00 Дзюдо. Катта дубулға турнири.
20.20 "Спорт-маркет".
20.30 Хабарлар (ўзб).
20.55 "ФИФА". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
22.30 Футзал. Ассоциация кубоги.
23.50 "Техноспорт".
00.00 Мадҳия.
00.05 Интерфутбол.
01.50 Хабарлар.
02.15 Велоспорт.
03.10 Футзал. Ассоциация кубоги.
04.40 – 06.00 Теннис. ATP-WTA турнири.

Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Қуёши ботмайдиган юрт".
06.35 "Муҳаббат риштаси".
07.00 "TV анонс".
07.05 Миллий кино. "Дардим ичимда".
08.45 "7 кун нафаси".
09.00 Миллий кино. "Ёр-ёр".
10.05 "Маҳалламиз спортчилари".
11.00 "Йўлга чиқдик".
11.25 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
12.05 "Гузардаги гурунглар".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Дилхирож".
14.10 "TV анонс".
14.15 "Кўнгилдаги гаплар". Ток-шоу.
15.00 Миллий сериал. "Иззат".
15.30 "Ноёб институт".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 "Фермер".
16.30 "Илм қудрати".
16.55 "TV анонс".
17.00 Миллий сериал. "Ҳаёт сабоқлари".
17.30 "Очиқ дарс".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Менинг маҳаллам".
18.30 "Қадр топган қадриятлар".
19.00 Миллий сериал. "Туташ тақдирлар".
19.30 "Саодатли умр".
20.00 "Халқ виждони". Ток-шоу.
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Тўйдаги томоша".
22.35 "TV анонс".
22.40 "Тунги репортаж".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Обод манзиллар".
23.35 "Обод маҳалланинг бахтли оиласи".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Қуёш ботмайдиган юрт".
00.35 "Нуроний фасл".
01.00 Миллий кино. "Дилхирож".
02.10 "Иш билганга минг танга".
02.40 "Маҳаллам ҳақида".
03.00 Миллий сериал. "Иззат".
03.30 "Меҳр қолур". Ток-шоу.
04.20 "Бола бошидан".
05.00 Миллий сериал. "Ҳаёт сабоқлари".
05.35 – 06.00 "Аждодлар хазинаси".

Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Қувноқ стартлар".
07.40 "Мультипанорама".
08.30 "До-ми-соль".
08.50 "Мультипанорама".
10.00 "Қувноқ алифбо".
10.30 "Эртаклар оламида".
11.50 "ABC-kids".
12.10 "Табиатга саёҳат".
12.30 "Story time".
13.00 "Болалар учун фильм".
14.20 "Сеҳрли қўллар".
14.30 "Топағон болажон".
14.40 "Боғбон болажон".
15.00 "Мультипанорама".
16.00 "Ўйинқароқ болалар".
16.10 "Болажон орзуси".
16.30 "Таътил саргузаштлари".
17.20 "Ширинтой-кичкинтойлар".
17.50 "Табиатшунос болажон".
18.10 "Мультипанорама".
19.30 "Саргузаштлар ороли".
20.00 "Болажонлар саҳнаси".
20.20 "Мультипанорама".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 "Гаройиб бола". Б/ф.
07.30 Миллий кино. "Сарвиноз".
09.55 Оилавий экран. "Пиано соло".
11.30 Саргузашт фильмлар экрани. "Хавфли шўнғиш".
13.00 Кундузги сериал. "Йигит кўнгли".
14.05 "Қўшиқ". Б/ф.
15.45 Болалар экрани. "Уилл".
17.20 Мировое кино. "Мои герои". Премьера.
19.00 "Орият ва эътиром". Т/с.
19.50 Миллий кино. "Мерсквич".
21.15 "Ҳафта юлдузи". Киану Ривз.
21.35 Жаҳон киноси. "Тай Цзи устаси". Премьера.
23.20 Мўъжаз кино. "Этик дўз ваит".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Игрок". Х/ф.
01.55 "Дов юрак Хочбар ҳақида ривоят". Б/ф.
03.25 "Аждодлар даъвати". Б/ф.
04.30 – 06.00 "Жиловсиз жонзотлар". Телесериал.

СЕШАНБА, 1

Ўзбекистон

05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "Сайлов-2016".
08.00 "Ахборот".
08.40 Миллий сериал: "Орзулар фасли".
09.15 "Суҳбатдош".
09.35 "Кўнгил ободлиги".
10.05 Анонс.
10.15 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
11.00 "Ахборот".
11.10 "Робия". Б/ф.
11.30 "Лойиҳадан натижагача".
11.50 Анонс.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Биз учун муҳим". Ток-шоу.
13.45 Анонс.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Устурлоб".
14.35 "Ҳаётдаги мен".
15.10 Иқлим.
15.15 "Муносабат". Ток-шоу.
16.00 "Тезкор хабарлар".
16.10 "Кунларнинг бирида".
16.30 "Ахборот" /инглиз/.
16.40 "Қорачиқ".
17.00 "Ахборот".
17.10 Миллий сериал: "Орзулар фасли".
17.45 Анонс.
18.00 "2016 йил – Соғлом она ва бола йили". "Нурли ришталар".
18.20 "Агроолам".
18.40 "Монк". Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.00 "Сайлов-2016".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Бизнес-старт".
22.05 – 23.40 "Сўнгги поезд". Б/ф.
23.40 "Робия". Б/ф.
00.00 "Нурли ришталар".
00.20 – 01.00 Миллий сериал: "Қайтар дунё".
Қадрли телетомошабинлар! 2016 йил 1.00 дан 06.00 га қадар Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудидаги рақамли телеузатгичларда режага мувофиқ профилактика олиб борилиши муносабати билан "O'zbekiston" телеканали дастурларини фақат аналог русумидаги телевидение тармоқлари орқали узлуксиз томоша қилишингиз мумкин.
01.00 "Ахборот" /рус/.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
02.30 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
03.15 "Кўнгил ободлиги".
03.45 "Кунларнинг бирида".
04.00 "Ахборот".
04.40 Миллий сериал: "Ҳаёт вальси".
05.10 "Агроолам".
05.30 – 05.55 "Бизнес-старт".

Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Муҳаббатим-қисматим". Т/с.
07.30 "Қалпоқ". Ҳажвия.
08.00 "Индаба". Т/с.
09.30 "XXI аср технологиялари".
09.50 "UzEX".
10.00 "Давр".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Сайлов-2016".
12.00 "Дилозорим". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.00 "Кекса арслонлар". Б/ф.
15.50 "UzEX".
16.00 "Давр".
16.10 "Сеҳрли узук". Т/с.
17.10 "Давр мавзуси".
17.30 "Динозаврлар сайёраси". Ҳ/с.
18.00 "Шамолларда қолган ҳисларим". Т/с.
18.50 "Телетуҳфа".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.20 "Оналар мактаби".
21.00 "Дилозорим". Т/с.
21.50 "Телетуҳфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Сайлов-2016".
23.30 "Ўрмон қироли". Т/с.
00.10 "Имкон-шоу".
00.50 "Куз чизгилари".
01.00 "Инсон психологияси".
01.30 "Ватанпарвар".
02.10 "Нуқтаи назар".
02.50 "Фан ва ёшлар".
03.10 "Афсона ва ҳақиқат".
04.10 "Мўъжизавий дунё".
05.30 – 06.00 "Давр".

Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
06.00, 07.00, 08.00, 09.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 02.00 "Poytaxt".
06.15 Миллий сериал: "Ҳаёт пиллапоялари".
06.45 "Пойтахт-Hi-tech".
06.55 "Тошкент вақти".
09.10 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с.
09.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Интиқом". Т/с.
11.15 "Тошкентнома".
11.35 "Poytaxt-Hi-tech".
11.45 "Ҳимоя".
12.15 Миллий сериал: "Ҳаёт пиллапоялари".
12.45 "Пойтахт-культура".
13.15 "Қадриятлар маскани". Х/ф.
13.45 "Пойтахт-авто".
14.10 "Тошкент вақти".
16.10 "Муҳаббат қиссалари: Сенсиз". Т/с. /такрор/.
16.50 "Poytaxt-sport".
17.15 "Кўзгудаги биз".
17.45 "Poytaxt-madaniyat".
18.20 "Обод хонадон".
18.45 "Poytaxt-Hi-tech".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Муҳаббат қиссалари: Сенсиз". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Телетаҳлил".
21.30 "Poytaxt-intervyu".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Госпожа горничная". Х/ф.
00.05 "Тошкентнома".
00.25 " Профессионал".
00.50 – 1. 00 "Poytaxt-madaniyat".
Қадрли телетомошабинлар! 2016 йил 1.00 дан 06.00 га қадар Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудидаги рақамли телеузатгичларда режага мувофиқ профилактика олиб борилиши муносабати билан "Toshkent" телеканали дастурларини фақат аналог русумидаги телевидение тармоқлари орқали узлуксиз томоша қилишингиз мумкин.
01.00 "Мактуб". Х/ф.
01.15 "Ҳикматли дунё": "Бахт ови".
02.15 "Қадриятлар маскани". Х/ф.
02.40 "Poytaxt-intervyu".
02.50 "Телетаҳлил".
03.20 "Мен сизга айтсам".
03.55 – 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт

06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Болалар спорти".
06.40 "Техноспорт".
07.00 "Sport-online".
08.00 Хабарлар.
08.15 Интерфутбол.
10.00 "Осиёга назар".
10.15 "Спорт сабоқлари".
10.35 Футзал. Ассоциация кубоги.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
13.05 Велоспорт.
14.00 Хабарлар (ўзб).
14.20 Дзюдо. Катта дубулға турнири.
15.45 "Шоҳсупага йўл".
16.30 "Ифтихоримсан, спорт!"
16.50 Теннис. ATP-WTA турнири.
18.10 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 "Уч босқичли тизим: Умид ниҳоллари".
18.30 Хабарлар (рус).
18.50 "Техноспорт".
19.00 Дзюдо. Катта дубулға турнири.
20.20 "Спорт-маркет".
20.30 Хабарлар (ўзб).
20.55 Футзал. Ассоциация кубоги.
22.20 Фигурали учиш. Гран-при турнири.
23.25 "Универсиада".
23.50 "Техноспорт".
00.00 Мадҳия.
00.05 Велоспорт.
Қадрли телетомошабинлар! 1.00 дан 06.00 га қадар Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудидаги рақамли телеузатгичларда режага мувофиқ профилактика олиб борилиши муносабати билан "SPORT" телеканали дастурларини фақат аналог русумидаги телевидение тармоқлари орқали узлуксиз томоша қилишингиз мумкин.
01.00 Хабарлар.
01.25 Баскетбол.
02.50 Футзал. Ассоциация кубоги.
04.10 "Мураббий".
04.40 – 06.00 Теннис. ATP-WTA турнири.

Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Қуёши ботмайдиган юрт".
06.35 "Тунги репортаж".
06.55 Миллий кино. "Тўйдаги томоша".
08.30 "Кун нафаси".
08.40 "Саодатли умр".
09.10 Миллий сериал. "Туташ тақдирлар".
09.40 "Қадр топган қадриятлар".
10.10 "Халқ виждони". Ток-шоу.
11.00 "Менинг маҳаллам".
11.30 "Очиқ дарс".
12.00 "Қайнона бисотидан".
12.25 "TV анонс".
12.30 "Теран илдизлар".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Йигитали".
14.10 "Маҳалламиз спортчилари".
15.00 Миллий сериал. "Иззат".
15.30 "Автотелемактаб".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
16.40 "Мўъжаз Ватан".
17.00 Миллий сериал. "Ҳаёт сабоқлари".
17.30 "Маҳалламиз болалари".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Аслидек асрайлик".
18.30 "Ноёб институт".
19.00 Миллий сериал. "Туташ тақдирлар".
19.30 "TV анонс".
19.35 "Обод манзиллар".
20.00 "Биламизку, аммо".
20.50 "Кун нафаси".
20.25 "Обод маҳалланинг бахтли оиласи".
21.00 "Сайлов–демократия кўзгуси".
21.55 "TV анонс".
22.00 Миллий кино. "Хиёнат гирдоби".
23.30 "Табиат шифохонаси".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Қуёши ботмайдиган юрт".
00.35 – 01.00 "Жавондаги жавоҳир".
Қадрли телетомошабинлар! 01.00 дан 06.00 гача Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудидаги рақамли телеузатгичларда режага мувофиқ профилактика.
01.00 Миллий кино. "Йигитали".
02.15 "Кўнгилдаги гаплар". Ток-шоу.
03.00 Миллий сериал. "Иззат".
03.30 "Сулола".
04.00 "Ноёб институт".
04.30 "Илм қудрати".
05.00 Миллий сериал. "Ҳаёт сабоқлари".
05.35 – 06.00 "Фермер".

Болажон

07.00 "Салом, болажон!".
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Қувноқ стартлар".
07.40 "Мультипанорама".
08.30 "Табиатга саёҳат".
08.50 "Мультипанорама".
10.00 "Электрон дунё".
10.10 "ABC-kids".
10.30 "Эртаклар оламида".
12.00 "Қувноқ алифбо".
12.30 "Саргузаштлар ороли".
13.00 "Болалар учун фильм".
14.30 "Ширинтой-кичкинтойлар".
14.40 "Болажон орзуси".
15.00 "Мультипанорама".
16.00 "Сеҳрли қўллар".
16.10 "Боғбон болажон".
16.30 "Таътил саргузаштлари".
17.20 "Миттивойлар мусобақаси".
18.00 "Табиатшунос болажон".
18.10 "Мультипанорама".
19.30 "Топағон болажон".
19.50 "Билағон болажон".
20.20 "Мультипанорама".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 "Бриллиант қўл". Б/ф.
07.40 Миллий кино. "Мерсквич".
09.00 Оилавий экран. "Ўттиз уч". Б/ф. 1-қисм.
10.05 "Ўттиз уч". Б/ф. 2-қисм.
11.10 Саргузашт фильмлар экрани. "Зулмат заволи".
13.00 Кундузги сериал. "Йигит кўнгли". 2-қисм.
14.05 "Гарри ва Салли". Б/ф.
15.35 Болалар экрани. "Олтин тюлень".
17.15 Мировое кино. "Пираты Эгейского моря". Премьера.
19.00 "Орият ва эътиром". Т/с.
19.50 Миллий кино. "Муҳаббат синовлари".
21.25 Жаҳон киноси. "Тўйдан олдин можаро".
23.20 Мўъжаз кино. "Кино сеҳри".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Сны Куросавы". Х/ф.
Қадрли телетомошабинлар! 1.00 дан 06.00 гача Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудидаги рақамли телеузатгичларда режага мувофиқ профилактика.
01.00 "Сени яхши кўраман, Рио". Б/ф.
01.45 "Сиёвуш ҳақида қисса". Б/ф.
04.35 – 06.00 "Жиловсиз жонзотлар". Телесериал.

ЧОРШАНБА, 2

Ўзбекистон

05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "Сайлов-2016".
08.00 "Ахборот".
08.40 Миллий сериал: "Орзулар фасли".
09.15 "Чашмалар". Х/ф.
09.30 "Ҳунар сирлари".
09.50 "Қорачиқ".
10.10 "Баркамол авлод".
10.40 "Қишлоқ ҳаёти".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Мўъжизалар макони".
11.40 "Бир жиноят изидан".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Заковат".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Имконият".
14.35 "Бу ҳам муҳим". Ток-шоу.
15.15 "Таҳлил-25".
15.45 Анонс.
15.55 "Агроолам".
16.15 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
17.00 "Ахборот".
17.10 Миллий сериал: "Орзулар фасли".
17.45 "Суҳбатдош".
18.00 "Парламент ҳаёти".
18.20 "Менинг боғим".
18.40 "Монк". Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.00 "Сайлов-2016".
21.00 "Ахборот".
21.40 Марказий сайлов комиссияси хабарлари (ўзб).
21.50 "Учбурчак". Ток-шоу.
22.40 – 00.05 "Сўз сеҳри". Б/ф.
00.05 "Менинг боғим".
00.20 Миллий сериал: "Қайтар дунё".
01.00 "Ахборот" /рус/.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
02.30 "Олтин девор". Спектакль. 1-қисм.
03.10 "Учбурчак". Ток-шоу.
04.00 "Ахборот".
04.40 Миллий сериал: "Гулхан атрофидагилар".
05.20 Иқлим.
05.25 – 05.55 "Таҳлил-25".

Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Муҳаббатим-қисматим". Т/с.
07.30 "Қизлар мактаби".
08.00 "Индаба". Т/с.
09.30 "Ёшлар боғи".
09.50 "UzEX".
10.00 "Давр".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Сайлов-2016".
12.00 "Дилозорим". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.00 "Янги бой". Б/ф.
15.20 "Муваффақият калити".
15.50 "UzEX".
16.00 "Давр".
16.10 "Сеҳрли узук". Т/с.
17.10 "Юрт келажаги".
17.30 "Динозаврлар сайёраси". Ҳ/с.
18.00 "Шамолларда қолган ҳисларим". Т/с.
18.50 "Телетуҳфа".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.20 "Нуқтаи назар".
21.00 "Дилозорим". Т/с.
21.50 "Телетуҳфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Сайлов-2016".
23.30 "Ўрмон қироли". Т/с.
00.10 "Оналар мактаби".
00.50 "Соғлом ҳаёт".
01.10 "Инсон психологияси".
03.10 "Афсона ва ҳақиқат".
04.10 "Мўъжизавий дунё".
05.30-06.00 "Давр".

Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
06.00, 07.00, 08.00, 09.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 02.00 "Poytaxt".
06.15 Миллий сериал: "Ҳаёт пиллапоялари".
06.45 "Пойтахт-авто".
06.55 "Тошкент вақти".
09.10 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с.
09.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Интиқом". Т/с.
11.15 "Соғлом келажак". Х/ф.
11.30 "Шаҳар бедарвоза эмас".
12.15 Миллий сериал: "Ҳаёт пиллапоялари".
12.45 "Poytaxt-madaniyat".
13.15 "Обод хонадон".
13.35 "Сифат назорати".
14.10 "Тошкент вақти".
16.10 "Муҳаббат қиссалари: Сенсиз". Т/с.
16.50 "Poytaxt-sport".
17.15 "Эртамиз эгалари".
17.35 "Poytaxt-intervyu".
17.45 "Мобиль камера".
18.20 "Poytaxt-avto".
18.30 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Муҳаббат қиссалари: Сенсиз". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Очиқ мулоқот".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Онегин". Х/ф.
23.45 "Мобильная камера".
00.05 "Пойтахт-Hi-tech".
00.20 "Очиқ мулоқот".
01.05 "Ҳикматли дунё": "Қалб".
01.50 "Poytaxt-madaniyat".
02.15 "Кўнгил ҳайратлари".
02.45 "Пойтахт йўлларида".
03.05 "Мен сизга айтсам".
03.55 – 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт

06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Камолот спорт".
06.40 "Ифтихоримсан, спорт!"
07.00 "Sport-online".
08.00 Хабарлар.
08.15 Фигурали учиш. Гран-при турнири.
09.15 Баскетбол.
10.35 Футзал. Ассоциация кубоги.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
13.05 Велоспорт.
14.00 Хабарлар (ўзб).
14.20 Дзюдо. Катта дубулға турнири.
15.45 "Соғлом турмуш сари".
16.30 Теннис. ATP-WTA турнири.
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Матонат".
18.30 Хабарлар (рус).
18.50 "Техноспорт".
19.00 Футзал. Ассоциация кубоги.
20.20 "Спорт-маркет".
20.30 Хабарлар (ўзб).
20.50 "Спортчи қизлар – Ўзбекистон ифтихори".
21.35 Фигурали учиш. Гран-при турнири.
22.40 Баскетбол.
00.00 Мадҳия.
00.05 Велоспорт.
01.00 Хабарлар.
01.25 Футзал. Ассоциация кубоги.
02.50 "Спортчи қизлар – Ўзбекистон ифтихори".
03.35 Фигурали учиш. Гран-при турнири.
04.40 – 06.00 Теннис. ATP-WTA турнири.

Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Қуёши ботмайдиган юрт".
06.35 "Маҳаллам ҳақида".
06.55 "TV анонс".
07.00 Миллий кино. "Хиёнат гирдоби".
08.30 "Кун нафаси".
08.40 "Очиқ дарс".
09.05 Миллий сериал. "Туташ тақдирлар".
09.35 "TV анонс".
09.40 "Ноёб институт".
10.10 "Табиат шифохонаси".
10.40 "Обод маҳалланинг бахтли оиласи".
11.05 "Биламизку, аммо".
11.35 "Аслидек асрайлик".
12.00 "Маҳалламиз болалари".
12.30 "Обод манзиллар".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Бахт уйи".
14.00 "TV анонс".
14.05 "Халқ виждони". Ток-шоу.
15.00 Миллий сериал. "Иззат".
15.30 "Саодатли умр".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 "Қадр топган қадриятлар".
16.35 "Тунги репортаж".
17.00 Миллий сериал. "Ҳаёт сабоқлари".
17.30 "TV анонс".
17.35 "Тарбиянинг олтин қоидаси".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Обод юрт одамлари".
18.30 "Таҳлил ва талқин".
18.55 "Изҳор".
19.00 Миллий сериал. "Туташ тақдирлар".
19.30 "TV анонс".
19.35 "Соғлом оила".
20.00 "Ён қўшним – жон қўшним".
20.25 "Тўйлар муборак!"
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Ўжар келин".
22.30 "TV анонс".
22.35 "Қайнона бисотидан".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Шукрона".
23.35 "Томорқа".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Қуёши ботмайдиган юрт".
00.35 "Мўъжаз Ватан".
01.00 Миллий кино. "Бахт уйи".
02.00 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
02.40 "Автотелемактаб".
03.05 Миллий сериал. "Иззат".
03.35 "Теран илдизлар".
04.05 "Гузардаги гурунглар".
05.00 Миллий сериал. "Ҳаёт сабоқлари".
05.35 – 06.00 "Йўлга чиқдик".

Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Қувноқ стартлар".
07.40 "Мультипанорама".
08.30 "До-ми-соль".
08.50 "Мультипанорама".
10.00 "Қувноқ алифбо".
10.30 "Эртаклар оламида".
11.50 "ABC-kids".
12.10 "Рассом болажон".
12.30 "Story time".
12.40 "Табиатга саёҳат".
13.00 "Болалар учун фильм".
14.20 "Сеҳрли қўллар".
14.30 "Миттивойлар мусобақаси".
14.40 "Боғбон болажон".
15.00 "Мультипанорама".
16.00 "Ўйинқароқ болалар".
16.10 "Болажон орзуси".
16.30 "Таътил саргузаштлари".
17.20 "Ширинтой-кичкинтойлар".
18.00 "Табиатшунос болажон".
18.10 "Мультипанорама".
19.30 "Саргузаштлар ороли".
20.00 "Болажонлар саҳнаси".
20.20 "Мультипанорама".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 "Шаҳарликлар". Б/ф.
07.25 Миллий кино. "Муҳаббат синовлари".
09.00 Оилавий экран. "Устоз Рон Кларк".
10.30 Саргузашт фильмлар экрани. "Идальго. Саҳродаги пойгалар". 1-қисм.
11.40 "Идальго. Саҳродаги пойгалар". 2-қисм.
13.00 Кундузги сериал. "Йигит кўнгли".
14.05 "Таътил орзулари". Б/ф.
15.35 Болалар экрани. "Овчи ўғли".
17.00 Мировое кино. "Вокруг света за 80 дней".
19.00 "Орият ва эътиром". Т/с.
19.50 Миллий кино. "Адашган совчилар".
21.40 Жаҳон киноси. "Тўлқинлар бағрида". Премьера.
23.35 Мўъжаз кино. "Тегирмонлар қишлоғи".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Непрощенный". Х/ф.
02.10 "Унта негр боласи". Б/ф.
04.25 – 06.00 "Жиловсиз жонзотлар". Телесериал.

(Давоми келгуси сонда)

ОБОД ШАҲРИМ — ОЗОДА ШАҲРИМ

ҳар шанба — тозалик куни

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Шаҳримизнинг янада кўркам бўлиши, кўчаларимизнинг орасталиги, маҳаллаларимизнинг озода ва ободлигига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз эканлигини унутмайлик, тозалик ва ободонлаштириш ишларида фаол бўлайлик!

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Диққат! Диққат! Диққат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Respublika mulk markazi" AJ "Poytaxt filiali" бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 53-уй манзилида жойлашган "Иссиқликқувваттаъмир" масъулияти чекланган жамияти устав фондидаги 51,06 фоиз давлат улуши такроран қўйилади.

Бошланғич нархи – 2 629 830 130 сўм;

Балансда сақловчи: "Иссиқликқувваттаъмир" МЧЖ.

Фаолияти ихтисоси: қурилиш-монтаж ишлари, квартал ичидаги ва магистрал иссиқлик ўтказиш шохобчаларини қурилиши ва капитал таъмирлаш ишлари, коммунал хўжалиги объектларини умумий қурилиш ишлари.

Савдо ташкилотчиси: "Respublika mulk markazi" AJ "Poytaxt filiali", Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй. Телефон: (0-371) 236-38-28. веб-сайт: www.rmm.uz. Электрон почта манзили: user01@inbox.uz. Гувоҳнома: 001580.

Аукцион савдоси 2016 йил 10 ноябрь куни соат 15:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолар 2016 йил 25 ноябрь, 10, 26 декабрь, 2017 йил 10, 25 январь, 9, 24 февраль, 11, 27 март, 11, 26 апрель кунлари соат 15:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси ("Respublika mulk markazi" AJ "Poytaxt filiali")нинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги ҳ/р: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850. ОКОНХ: 83300.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 236-38-28. Факс: (0-371) 236-38-28.

Электрон почта: user01@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.rmm.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

"Universal Realtor" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан ЖИБ Андижон вилоят судининг 2016 йил 8 апрелдаги 2-114/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 86 А-уйда жойлашган фойдали майдони 78,01 кв.метр, яшаш майдони 50,30 кв.метр бўлган 20-хонадон қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 256478192 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 2 декабрь куни соат 15:00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Аризалар юқорида кўрсатилган манзилда расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 1 декабрь куни соат 15:00да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, "Universal Realtor" МЧЖнинг АТБ "Капитал Банк" Тошкент шаҳар филиалидаги МФО-00445, СТИР-302 269 399, 2020 8000 1049 7522 8001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Қўшимча маълумот олиш манзили: "Universal Realtor" МЧЖ 100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон 150-35-55 Email universal.realtor@mail.ru

Лицензия RR-0127.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **29 октябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 5-7, кундузи — 18-20 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **29 октябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1055

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4775 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 16.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 4 5